

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 5**

Самарканд шаҳри

« 19 » « октябрь » 2022 йил

MUXAMMADJON QURUVCHI X/K кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг устави асосида иш юритувчи директор Н. Эшмуротов, номидан, бир томондан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий-тиббийёт маркази Самарканд филиали кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, ўзининг устави асосида иш юритувчи Ф.Ф.Ўлмасов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" " Буюртмачи "га филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш ишлари бўйича хизмат курсатади, "Буюртмачи" ушбу "курсатилган хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;

2.1.2. "Бажарувчи"дан "Хизматлар" " Буюртмачи "нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;

2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ бериладиган кўрсатилишини буюртманомага мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Хизматлар" кўрсатилишини талаб қилиш;

2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:

- зарур сифатга эга бўлмаган "Хизматлар" шунга ўхшаш "Хизматлар" билан алмаштирилишини;

- "Хизматлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;

- баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;

2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йилда Бюджетдан ташқари маблағлари доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;

2.2.2. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

2.2.3. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1.-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бошқармаси рўйхатидан ўтказгандан сўнг _____ кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;

2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

2.4.1. «Буюртмачи» билан тузган шартномаси Ғазначилик бошқармасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг "Хизматлар"ни кўрсатиш:

2.4.2. "Буюртмачи"га "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда бериладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;

2.4.3. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни текин тузатиб бериш.

2.4.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 иш кунда янунланади.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 127 522 450.00 сўмни ташкил этади. Кўрсатиладиган "Хизматлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган. Курсатилган хизматлар учун олдиндан тулов 30 % ни ташкил қилади. Қолган 70 % туловни счет-фактурага асосан товар олингандан сўнг талаб берилади.

3.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун пул қўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома мазкур шартнома ва конун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.
- 4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.3. "Хизматлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади. "Буюртма"чининг Ҳисоб-китоб ҳужжатида ғазначилик бўлинмаларининг штампда кўрсатилган сана "Хизматлар"га ҳақ тўлаш бўйича "Буюртмачи" мажбуриятлари бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.
- 4.5. Назарда тутилган миқдордан ортикча бир номда "Хизматлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Хизматлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Хизматлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Хизматлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.6. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада кўрсатилган "Хизматлар" миқдори, уларнинг сифати кўрсатилади.
- 4.7. Шартномада назарда тутилган "Хизматлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомаси кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтари юритади.
- 4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Хизматлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Кўрсатилаётган "Хизматлар" сифати, миқдори "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" кўрсатилаётган "Хизматлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг миқдорини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.2. Агар кўрсатилган "Хизматлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Хизматлар" қийматининг 20 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.
- 5.3. "Хизматлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Хизматлар"нинг 25 фоизи миқдоридан жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Хизматлар" кўрсатилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.
- 5.4. Ҳизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Хизматлар" кўрсатиш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ кўрсатилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.
- 5.5. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдоридан махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаслиги керак.
- 5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контракция шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контракция шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам қўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контракция шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.
- 5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.
- 5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ товар етказиб берувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, коидага кура, мустакил равишда уларни судгача хал этиш чораларини курадилар.
- 6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

- 7.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тулик тугалланган тақдирда тўхтатилади.
- 7.2 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.
- 7.3 Мазкур 127 522 450.00 сумлик, № 5 -сонли шартнома 2022 йил « 19 » октябрда 2 нусхада тузилган бўлиб, 2022 йил «31» декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Самарқанд вилоят газначилик бошқармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний кучга киради

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

- 8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиде бекор қилиниши мумкин.
- 8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.
- 8.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.)

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»

МУХАММАДЖОН ҚУРУВЧИ Х/К

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Жомбой тумани Галакапа 40 уй

Тел./факс: +99 890 282 61 04

Х/Р: 2020 8000 0049 9723 7001

Банк номи: АТБ «Кишлоқ қурулиш банк Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси»

МФО 01037 СТИР: 302 382 379

Рахбар

Ҳуқуқшунос
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

« »

Ҳуқуқшунос 509972
Лицензия (диплом) № берилган санаси:

« 21 » июл 2023 й

«Буюртмачи»

РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: А.Шох Мурод 86 уй

Тел./факс: 235-14-34

ш/х/р 401421860184017073201054004

бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 202305435

ОКОНХ: 91513 МФО: 00014

Ҳазначилик бошқармаси номи: Молия Вазирлиги

Ҳазначилиги Самарқанд вилояти

Бўйича Ҳазначилик бошқармаси

Ҳазна х/р: 23402000300100001010

Банкнинг номи: Марказий банк ХКМ Тошкент шаҳар

бошқармаси манзил: Самарқанд шаҳар Кўксарой

майdonи №1

МФО: 00014 ОКОНХ: 97160

Ҳазначилик бошқармаси СТИРи: 201122919

Директор

Ф.Ғ.Ўлмасов

М.Ў.



РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали ва МУХАММАДЖОН ҚУРУВЧИ Х/К ўртасида тузилган 2022 йил
19 октябрдаги № 5 сонли шартномага 1-сонли илова

№	мазмуни	улчов бирлиги	сони	бахоси	Жами суммаси
1	Филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш	дона	1	127 522 450.0	127 522 450.0

Жами: Бир юз йигирма икки миллион беш юз йигирма икки минг турт юз эллик сум.

РИО ва РИАТМ Самарқанд филиали
директори:



Ф.Ғ.Ўлмасов

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
«РИО ва РИАТМ Сам филиал»



Ф.Г.Улмасов

РИО ва РИАТМ Сам филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш буйича талабгор ташкилотлар ўртасида танлов ўтказиш бўйича комиссия йиғилиши

БАЁНИ

Самарканд шаҳри

«19» Октябрь 2022 й.

Комиссия раиси

У.Абдувоҳобов

Иштирок этган комиссия аъзолари:

Д.Б.Рахматов

Котиб, ДИБДУ

Э.Давронов

Комиссия аъзоси,

Ф.Хусанов

Комиссия аъзоси,

М.Каримова

Комиссия аъзоси,

КУН ТАРТИБИ:

РИО ва РИАТМ Сам филиал биносининг фасад қисмини таъмирлаш бўйича.

Дирекция томонидан 2022 йил 4 Октябрда Ўзбекистон Республикаси Товар ва хом-ашё биржасининг электрон порталига РИО ва РИАТМ Сам филиалри ободонлаштириш бўйича №158403-лот рақами билан эълон жойлаштирилди. Мазкур лот бўйича 2022 йил 13 октябрдаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган РИО ва РИАТМ Сам филиалини ободонлаштириш бўйича баённомасига асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан «МУХАММАДЖОН ҚУРУВЧИ» Х/К корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатга олиб:


ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимига муҳокама қилиш учун икки иш қунига жойлаштирилди. Икки иш қуни давомида давлат харидлари электрон тизимига жойлаштирилган баённома бўйича ҳеч қандай эътирозлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Марказ бош бухгалтери У.А Абдувоҳобов:

Юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 06 октябрдаги электрон баённомасига асосан ҳолиб «MUXAMMADJON QURUVCHI» Х/К корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

3. Ф.Хусановга хизмат кўрсатиш сифат даражасини назорат қилиш юклатилсин.

Комиссия раиси  У.Абдувоҳобов

Комиссия аъзолари

Д.Б.Раҳматов  Котиб, ДИБДУ

Э.Давронов  Комиссия аъзоси,

Ф.Хусанов  Комиссия аъзоси,

М.Каримова  Комиссия аъзоси,